



Фарғона ҳақиқати

Газета 1917 йил 14 октябрдан чиқа бошлаган

http://farhaqiqat.uz/ t.me/farhaqiqati

2021 йил 22 март, душанба

№ 25 (24518)



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ НАВРЎ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум, муҳтарам ватандошлар! Қадрли дўстлар!

Сиз, азизларни, сизлар орқали кўп миллатли халқимизни шарқона янги йил – Наврўз байрами билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Нуроний отахон ва онахонларимизга, ҳурматли ака-ука, мунис опа-сингилларимизга, навқирон ёшларимиз, суоқли фарзандларимизга, хориждаги ватандошларимизга – бутун эл-юртимизга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромим ва энг эзгу тилакларимни изхор этаман.

Ҳаммамиз орзиқиб ва соғиниб кутадиган янгилиши ва яшариш айёми – Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

Буюк Алишер Навоий бобомиз айтганларидек, ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!

Хурматли юртдошлар!

Утган йили пандемия тўғрисида Наврўз байрамини ҳар доимгидек катта тантана қилиб, кенг нишонлай олмаган эдик. Ушанда, бу табиғий кунлар албатта орта қолада, ҳали кўп тўй-томоша ва сайилларни халқимиз билан биргаликда ўтказамиз, деб эзгу ниёт қилган эдик.

Бугун ана шу орзу ва интилишларимиз рўёбга чиқмоқда. Ўзал ва жонажон юртимизда яна шодиёналар, яна қувончи кунлар бошланмоқда.

Албатта, барчамиз яхши тушунамизки, бутун дунёда коронавирус балоли ҳали тўла бартараф этилгани йўқ. Афсуски, у биз билан бирга, ёнимизда яшамокда.

Халқимиз соғлигини асраш йўлида қандай саъй-ҳаракатлар ва катта амалий ишлар қилганимизни барчангизга яхши маълум. Энди шунча меҳнатимиз, кўрган чора-тадбирларимиз бекорга кетмаслиги учун пандемия қарши курашни бир лаҳза ҳам тўхтатмаслигимиз лозим. Ўзимиз ва яқинларимизни ҳимоя қилишимиз, бепарволик ва беағамликка берилмаслигимиз шарт. Доимо ҳушёр ва масъулиятли бўлиб яшашимиз, ўттилган тажрибамизга таяниб, албатта, эҳтиёткорлик билан тизимли иш олиб боришимиз зарур.

Шундагина меҳнаткаш халқимиз билан эзгу мақсадларимиз ва катта режаларимизни янги куч, янги ғайрат билан давом эттира оламиз.

Бугун сизларнинг нурли чехрангизни кўриб, халқимиз ҳам худди ғўзал баҳор фаслидек куч ва қудратга тўлиб бораётганига яна бир бор амин бўлдим.

Кўклар нафаси юртимиз узра кезаётган мана шундай тароватли кунларга соғ-омон етказгани учун Яратганга чексиз шукроналар айтиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарзидир.

Азиз ватандошлар!

Пандемия бошланган биринчи кунларда мен халқимизга мурожаат қилиб, бу синовдан янада кучли ва қудратли бўлиб чиқамиз, деб ишонч билдирган эдим.

Чиндан ҳам, бизнинг кучимиз – бирлик ва аҳилликда; бизнинг қудратимиз – меҳр-оқибат, ўзаро кўмак ва саховатда; бизнинг ютугимиз эртанги кунга бўлган юксак ишончимизда.

Бу адолатли ҳақиқатни бошимиздан кечирган синовли кунлар яна бир бор исботлади.

Мана шу машаққатли давр бизнинг бир-биримизга нақадар боғлиқ ва керак эканимизни яққол кўрсатди. Шунингдек, бир-биримизни асраб-авайлаб, қадрлаб яшашимиз ҳаётини зарурат эканини тўла намоён этди. Биз фақат биргаликда, ҳамжихатликда буюк ишларга қодир эканимизни пандемия синовлари яна бир қарра тасдиқлаб бериди, десам, сизлар ҳам бу фикрга қўшилисанлар.

Албатта, коронавирус тўғрисида дунёда кўп нарса ўзгармоқда. Лекин халқимизнинг она табиятига, муқаддас заминига муҳаббати, азалий қадриятларга эҳтиром ва садоқати асло ўзгаргани йўқ. Аксинча, бундай олижаноб хислатларимиз янада зиёда бўлмоқда, сайқал топмоқда.

Шу боис ҳам азалдан баҳорий уйғониш ва нафосат тисоли бўлган Наврўзи олам биз учун тобора ардоқли бўлиб бормоқда.

Бу йилги Наврўзининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, у жонажон Ватанимиз мустақиллигининг қўлтуғи 30 йиллик байрами тадбирлари ўтадиган йилга тўғри келмоқда.



Фарғонада Наврўз сайли



ОДАМ ВА ОЛАМГА ЧИРОЙ БАХШ ЭТГАН АЙЁМ

Кўклар нафақат она табиятни уйғотади, балки инсон қалби, руҳиятини ҳам музаффар ҳаёт неъматидан баҳраманд қилиб, оромбахш туйғуларни бахш этди. Қуёш ажиб жилва қилиб, гул, атир ифори табиятдан роҳатланиш иштиёқини жўштиради. Элимизнинг ризқ-насибаси улуг бўлиши учун қалбимизга яратиш ва яшатиш қудратини беради.



Наврўзи олам ана шу каби қадрбад қадриятлари тўғрисида айтаётган бўлиб бормоқда. Мобайнида сайқаланиб, халқимизнинг энг эзгу фазилатларини ўзида тўлиқ намоён этиб келмоқда. Дунё халқлари, хусусан, ҳамюртларимизни тириклик, тўқис ва фаровон ҳаёт қадрини чин диддан англашга ундаган бу йилги байрам айна шу каби жиҳатлари билан ҳам ўзгача қадрлидир. Президентимиз таъкидлаб ўтганидек, "Коронавирус тўғрисида дунёда кўп

нарсаси ўзгармоқда. Лекин халқимизнинг она табиятига, муқаддас заминига муҳаббати, азалий қадриятларга эҳтиром ва садоқати асло ўзгаргани йўқ". Байрам кўни Фарғона шаҳридаги Ислам Каримов номидаги Театр-концерт саройининг мусаффо осмон остидаги очик сажнада, фойдала хийбонда жамулам бўлган таниш чехралар, болажонлар қулгуси, нуронийлар дуоси, навқирон йигит-қизларнинг ўтли қарашларида бу туйғулар яна бир бор намоён бўлди. Самимий табассум, илти-

фот, ўзаро ҳурмат-эҳтиром, буларнинг барчаси Наврўзи олам шукҳи, қадр-қимматини ҳар йилгидан кўра юксалтирди. Ораста хийбон шаҳар-туманлар, вилоят корхона-ташқилотлари, маҳаллалар томонидан миллий урф-одатларимиз асосида ўрнатилган саҳна безаклари, байрамона дастурхон файзи билан янада ғўзалашди. Миллий куй-қўшиқлар, спорт мусобақалари, кўнгилочар томошалар барчага ҳушайфият бахш этди. Наврўз сайлида вилоят ҳокими Хайрулло Бозо-

ров, вилоят секторлари раҳбарлари иштирок этиб, тантана қатнашчиларини байрам билан қутлашди. "Ассалом, Наврўз" шiori остида ҳар бир ҳудуд, корхона-ташқилот, маҳаллалар вакиллари томонидан ташкил этилган кўргазмалар билан танишди. Самимий мулоқотларда оилаларга тўқис ҳаёт, деҳқончилик ва тадбиркорлик юмушларига кут-барақа, юртимизга тиңчилик ва фаровонлик сўраб, дуога қўл очилди. Юртимизда ўзаро меҳр-оқибат, яхшиликлар бардавом бўлиши учун эзгу тилаклар

билдирилди. Қадрдон куй-қўшиқлар, малоҳатли рақосаларнинг чиқишлари, бадий ҳаваскорлик ва фольклор жамоаларнинг лапару ўланлари, Фарғонача аския байрам сайли унутилмас ташкил этилган кўргазмалар билан танишди. Самимий мулоқотларда оилаларга тўқис ҳаёт, деҳқончилик ва тадбиркорлик юмушларига кут-барақа, юртимизга тиңчилик ва фаровонлик сўраб, дуога қўл очилди. Юртимизда ўзаро меҳр-оқибат, яхшиликлар бардавом бўлиши учун эзгу тилаклар

**Ботир МАДИЁРОВ.
Суратларни Шерзод
ҚОРАБОВ олган.**

ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛА ТИЗИМИ ХОДИМЛАРИ ВА ФАОЛЛАРИГА

Қадрли ватандошлар! Ҳурматли маҳалла тизими ходимлари ва фаол- лари!

Аввало, сиз азизларни, сизларнинг тимсолинингизда бутун халқимизни Маҳалла тизими ходимлари кўни билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурматим ва самимий тилакларимни билдираман.

Мамлакатимизда илк бор нишонланаётган ушбу байрам яшариш ва янгилиши, меҳр-оқибат айёми – Наврўз тантаналари давом этаётган мана шундай шукҳили кунда ўтказилаётганида ўзига хос рамзий маъно бор.

Маҳалла – асрлар оша миллий урф-одат ва анъаналаримизни безавол сақлаб, халқимиз учун эзгулик ва тарбия бешиги, яхши қўшиқчилик ва ҳамжихатлик маскани бўлиб келмоқда.

Биз маҳалла деганда, дунёда камдан-кам учрайдиган, инсонни жағият билан уйғун бўлиб яшашга ўргатиб, бағрикенглик руҳида тарбиялайдиган, халқ билан давлат ўртасидаги ишончли кўприк вазиёсини бажарадиган ноёб тузилмани тушунамиз.

Айни пайтда, юртимизда яшаётган ҳар бир инсон, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ўз ҳаётини, қувонч табиғатини маҳалладан айри ҳолда тасаввур эта олмайд.

Шу боис, биз кейинги тўрт йилда маҳалла институтига миллий давлатчилигимизнинг асосий куйи бўғини сифатида қараб, унинг жағият бошқарувиди ўрни ва ролини оширишга қаратилган кенг қўламли ва пухта ўйланган ислохотларни амалга ошираётганимиздан барчангиз яхши хабардорсиз.

Бу даврда соҳа ривожига доир **50 дан ортиқ** норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган, ҳар бир ҳудудда **"Обод ва хавфсиз маҳалла"** тамойилига асосланган янги тизим жорий этилганини алоҳида қайд этиш лозим.

Юртимизда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизimini такомиллаштириш, муҳтарам нуронийларимизнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, фуқаролар йиғинларининг жағиятдаги мавқеи ва таъсирини кучайтиришга кўмаклашиш мақсадида **Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги** ташкил этилди. Фуқаролар йиғинлари раисларининг ҳуқуқ-тартибот, оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий ҳамда ободонлаштириш, томорка ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосарлари лавозими жорий қилинди. Соҳа ходимларининг меҳнатини рағбатлантириш мақсадида уларнинг ойлик маошлари **3 бараварга** оширилди,

маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари фаоллари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари учун **"Маҳалла ифтихори"** кўкрак нишони таъсис этилди.

Фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида **1 минг 163 та** маҳалла идораси янгидан қурилди, **3 минг 612 таси** реконструкция қилинди ва таъмирланди. **110 та** туман ва шаҳарда **"Маҳалла маркази"** мажмуалари барпо этилди, **4 минг 319 та** маҳалла биноларида кутубхоналар ташкил қилинди.

Соҳа ходимларининг жағиятида маънавий муҳит барқарорлигини, миллатлараро дўстлик ва ҳамжихатлигини мустаҳкамлаш, ёшларни она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги фидокорона хизматларини эл-юртимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Айниқса, маҳалла фаолларининг пандемия даврида кўрсатган чинакам жонбозликлари, хусусан, синовли кунларда одамлар ҳолидан хабар олиш, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, муҳтожларга меҳр-мурувват кўрсатиш, аҳоли бандлигини таъминлаш сингари гоят муҳим ва долзарб масалаларда давлатимизга мустаҳкам таянч бўлиб майдонга чиққанини миннатдорлик билан таъкидлаймиз.

Жумладан, бу даврда маҳалла фаоллари томонидан **700 мингга** ақин фуқаронинг бандлигини таъминлаш, **60 мингдан зиёд** юртдошларимизни тадбиркорлик ва хунармандчиликка жалб этиш, имкониёти чекланган **754 мингдан зиёд** оилаларнинг томорқаларидан самарали фойдаланишга амалий ёрдам кўрсатилганини алоҳида эътироф этиш зарур.

Маҳаллаларда ҳашар йўли билан **164 мингдан ортиқ** эҳтиёжман оилаларнинг хонадонлари таъмирланиб, **1000 га** яқин камбағал оилаларга уй-жойлар қуриб берилгани, **10 минг** километрга яқин ички йўللар ва **644 та** кўприк таъмирлангани, **339 та** кўприк янгидан қурилгани, қарий **2 минг** километр узунликда ичимлик суви тортилгани ва **1 минг 300 га** яқин насослар ўрнатилганида сизларнинг катта ҳиссангиз бор.

Жағиятда соғлом маънавий муҳит асосларини мустаҳкамлаш мақсадида ўтган йили маҳалла фаоллари кўмагида ажралаш ёқасига келиб қолган **21 мингга** яқин оила яраштирилгани, **16 мингдан зиёд** оиланинг нотинчилигига барҳам берилгани, **5 мингга** яқин маҳаллада жиноят содир этилишига йўл қўйилмагани, намунали маҳаллалар сони **1 минг 704 тага** етгани албатта таҳсинга лойиқдир.



Байрам янги уйларда нишонланди

Олтиариқ ва Фарғона туманларида уй-жойга муҳтож хотин-қизлар, ногиронлиги бўлган ва эҳтиёжман **87 та** оилага имтиёзли ипотека кредити асосида янги бунёд этилган кўп қаватли уйлар топширилди.



Олтиариқ ва Фарғона туманларида уй-жойга муҳтож хотин-қизлар, ногиронлиги бўлган ва эҳтиёжман **87 та** оилага имтиёзли ипотека кредити асосида янги бунёд этилган кўп қаватли уйлар топширилди.

каби оғир вазиятга тушиб қолган, ногиронлиги бўлган, боқувчисини йўқотган ҳамда эҳтиёжман **25 та** оила байрам арафасида янги уйларнинг қалитини қабул қилиб олди. Президентимиз ташаббуси билан ногиронлиги бўлганларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, кам таъминланган оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги эзгу ишлар натижасида минг-лаб эҳтиёжман инсонлар ҳаётига ҳамда уларнинг оиласига чинакам қувонч олиб кирмоқда.

Вилоятда **2020 йилда 235** нафар ногиронлиги бўлган, боқувчисини йўқотган ҳамда эҳтиёжман **25 та** оила байрам арафасида янги уйларнинг қалитини қабул қилиб олди. Президентимиз ташаббуси билан ногиронлиги бўлганларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, кам таъминланган оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги эзгу ишлар натижасида минг-лаб эҳтиёжман инсонлар ҳаётига ҳамда уларнинг оиласига чинакам қувонч олиб кирмоқда.

Вилоятда **2020 йилда 235** нафар ногиронлиги бўлган, боқувчисини йўқотган ҳамда эҳтиёжман **25 та** оила байрам арафасида янги уйларнинг қалитини қабул қилиб олди. Президентимиз ташаббуси билан ногиронлиги бўлганларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, кам таъминланган оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги эзгу ишлар натижасида минг-лаб эҳтиёжман инсонлар ҳаётига ҳамда уларнинг оиласига чинакам қувонч олиб кирмоқда.

**М. СУЛАЙМОНОВ.
С. ҚОДИРОВ
олган суратлар.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ НАВРЎ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Наврўз — чинакам халқ байрами, миллий ўзликимиз кўзгуси, маънавий ва маданий ҳаётимизнинг ажралмас қисми...

Хурматли байрам иштирокчилари! Наврўзнинг ўлмас руҳи ва боқий фалсафаси биз бугун бунёд этаётган янги Ўзбекистон ғояси билан ғоят уйғун ва ҳамоҳангдир...

қатламлари, биринчи навбатда, хотин-қизлар ва ёшларнинг муаммоларини ҳал этиш, уларни билим ва касб-хунарга ўргатиш, иш ўринлари, даромад манбаи, турар-жойлар билан таъминлашга устувор аҳамият берилмоқда...

рамга айланди. Сизларга маълумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 21 март — Халқаро Наврўз кунидеб эълон қилиниб, у ЮНЕСКОнинг Инсоният номоддий маданий мероси рўйхатига киритилган...

ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛА ТИЗИМИ ХОДИМЛАРИ ВА ФАОЛЛАРИГА

Азиз дўстлар! Бугунги кескин ва шиддатли глобаллашув даврида юртимизда ўзаро аҳиллик ва тотувлик, меҳр-оқибат ва бағрикенглик тамойилларини, миллий ва умуминсоний қадриятларни асраб-авайлашда маҳаллаларнинг ўрни ва нуфузи тобора ортиб бормоқда...

тиришга биринчи даражали эътибор қаратмоқдамиз. Айтиш керакки, аҳолининг эҳтиёжманд қатлами билан манзилли иш олиб бориш, «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган юртдошларимиз муаммоларини «хонадонбай» ҳал этишда, ҳеч шубҳасиз, маҳалла органлари муҳим ўрин тутатади...



Яшариш ва янгиланиш айёми давом этаётган кунларда вилоятимизда ҳам илк бор 22 март — Маҳалла тизими ходимлари кунини кенг нишонланмоқда...



Жамиятимизнинг юзи ва виждон кўзгуси

Шаҳар ва туманларда йиғин идораларида қайта қуриш ва таъмирлаш учун чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. 171 та маҳаллаларнинг бинолар таъмирталаб, 215 тасига янгидан қурилади...

давлат-хусусий шериклик асосида 160 та, ҳомилик йўли билан 17 та, қўшимча маблағ ажратиш орқали 11 та маҳалла фуқаролар йиғини таъмирланди. Уларда ходимларнинг хизмат олиб боришлари учун барча шароитлар яратилди...

Тошлоқ туманидаги «Хўжаарик» маҳалла фуқаролар йиғини биноси анча ҳароба аҳволга тушиб қолганди. Утган йилда тадбиркор Тожиддин Хайдаров ташаббус билан чиқиб, давлат-хусусий шерикчилик асосида янги лойиҳага қўл урди...

хоналарда барча шароитлар бор. Бу ерда савдо мажмуалари, 50 ўринли боғча, хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳам ташкил этилди. Маҳалладошларимиз учун янги иш ўринлари яратилди...

асосланган тизимни жорий этиш бўйича Қўшгега тумани «Намуна» маҳалласи танлиниб олинди. Маҳаллада сўнги 3 йилда бирорта ҳам жиноят содир этилмаган, оилавий ажралишларга йўл қўйилмаган...

хариталар»и ишлаб чиқилди. «Маҳалла — жамиятимизнинг ёруғ юзи ва виждон кўзгуси» деган ғоя остида «Маҳалларда миллий қадриятларни мустаҳкамлаш ҳафталиги» бошланган бўлиб, 28 мартга қадар давом этади...

Қишлоқ хўжалиги: истиқбол ва самара БАҲОРНИНГ БИР КУНИ ЙИЛНИ БОҚАДИ

— Бободоҳқонларимизда «Баҳорнинг бир кунини боқади», деган ҳикматли гап бор, — деди вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Ёзёвон туманида чигит экиш мавсуми олдидан ташкил этилган амалий семинарда...



Мавсум олдидан 730 та саялка сифатли таъмирдан чиқарилди. Кластер корхоналари ва фермер хўжаликлари томонидан юқори унумли янги саялкалар ҳам сотиб олинди. Қишлоқ, дашт, чўл ҳудудларида табиий шароитни ҳисобга олган ҳолда чигит экиш ишларини ўн кунда якунига етказиш кўзда тутилмоқда...

корхоналари, чигит экиш отрядлари раҳбарлари катнашган семинарда ерни тайёрлаш, техникалар созлиги, ниҳолларни бир текис ундириб олиш билан боғлиқ барча жараёнлар амалий машғулот тарзида тушунтириб берилди. Вилоятда жорий йилда «С-8290», «Наманган-77», «Султон» ва «Андижон-35» гўза навларини экиш режалаштирилган бўлиб, ҳудудларнинг табиий-иқлим шароити, ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб жойлаштирилади...

сифатли ундириб олиш имконини беради. Семинарда замонавий, юқори унум билан ишловчи техника воситалари кўргазмаси ташкил этилиб, кластер корхоналари ва илмий-амалий марказлар мутахассислари иштирокида маҳорат дарслари ўтказилди. Пахтачилик соҳасига илмий, инновацион ғояларни кенг татбиқ этиш бўйича амалий йўл-йўриқлар кўрсатилди. Уз навбатда, мавсум масъулиятини теран ҳис этаётган, тайёргарлик ишларини пайсалга солаётган, минерал ўғитлар жамғариш, техника воситаларидан унумли фойдаланишни йўлга қўя олмаётган кластер корхоналари, туман секторлари раҳбарлари жиддий огоҳлантирилди. Қисқа фурсат ичида камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ вазифалар белгиланди. Ўзбекиона удумга кўра палов дамляниб, деҳқончиликка кўт-баракка, мўл ҳосил ҳудуд эзгу дуолар қилинди. Бир гуруҳ қишлоқ хўжалиги фахрийлари ҳамда мавсум иштирокчиларига вилоят ҳокимлигининг эсдалик совғалари топширилди. Ботир МАДИЁЕВ, Суратлари Шерзод ҚОРАБОВ олган.

Наврўз иншоотлари

Фарғона шаҳрида «Max Oil Group» масъулияти чекланган жамияти томонидан барпо этилган нефть ва газ конденсатларини қайта ишлаш корхонаси очилди. Унда вилоят ҳоқими Хайрулло Бозоров иштирок этди.

Самарадор лойиҳалар ишга тушди

Лойиҳа қиймати 2,5 миллион АҚШ долларини ташкил этадиган ушбу корхона муассиснинг ўз маблағлари ҳисобидан барпо этилди.

Россияда ишлаб чиқарилган ускуналар билан жиҳозланган ва йиллик 48 минг тонна нефть ва газ конденсатларини қайта ишлаш қувватига эга бўлган корхонада 150 та янги иш ўрни яратилди, иккинчи босқичи якунига етгач, яна қўшимча 50 нафар маҳаллий ишсиз ёшлар жалб этилади. Йиллик 500 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

«Max Oil Group» корхонасида бензин, солярка, керосин, дизель ёқилғиси билан биргаликда мотор мойлари ҳам қайта ишланмоқда. Иккинчи босқич ишга туширилгач, нефтни тўлақонли қайта ишлаш циклига ўтиб, битум ишлаб чиқариш ҳам режалаштирилмоқда.



Тошлоқ туманида «Фарғона нефть маҳсулотлари» корхонасининг биринчи босқичи ишга туширилди. Бу ерда экстра бензин, автомобиль, пень ва уч турдаги дизель ёқилғиси, керосин, мазут каби кенг турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Корхонанинг очилишида вилоят ҳоқими Хайрулло Бозоров, секторлар раҳбарлари қатнашди.

«Фарғона нефть маҳсулотлари» масъулияти чекланган жамиятининг 45 миллиард сўм маблағи ҳисобига амалга оширилган ушбу лойиҳаси тўлиқ ишга туширилиши натижасида 150 тадан зиёд янги иш ўрни яратилади.

Корхонада кунига 120 тонна нефть, газ нефть ва газ конденсатлари қайта ишланиб, юқори сифатли маҳсулотлар тайёрланмоқда. Шунингдек, кокс маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган. Бу жараёнда 80 нафар ишсиз ёшларнинг доимий бандлиги таъминланди.

Халқ хўжалиги учун юқори сифатли нефть маҳсулотлари етказиб бериш билан бир қаторда суюлтирилган газ баллонлари ишлаб чиқариш, уларни техник қўриқдан ўтказиш ва таъмирлаш хизматлари ҳам ташкил этилади.

Шу кунги туманда «Фаровон» асфальт-бетон ишлаб чиқариш корхонасининг ҳам очилиши бўлиб ўтди.

Лойиҳа қиймати 6,5 миллиард сўм бўлган корхонада ҳозирда 15 та иш ўрни яратилган.

М. СУЛАЙМОНОВ.



Жинси матолари ва маҳсулотлари энди ўзимизда ишлаб чиқарилади

Фарғона шаҳрида жинси матолари ва эркалар жинси шимларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Constrant trading» масъулияти чекланган жамияти фойдаланишга топширилди.



Мамлакатимизда яратилган қўлай ишбилармонлик муҳити натижасида инвестициялар оқими кўпайди, тadbirkorлар сафи ҳам тобора кенгайиб бормоқда. Хорижлик нуфузли компаниялар ҳамда инвесторлар билан биргаликда янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилляпти. Хусусан, Бирлашган Араб

Амирликларининг «Alpha international Consultancy DMCC» компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур корхона ҳам ана шу ишларнинг амалдаги ифодасидир.

Янги корхонанинг очилиш маросимида Фарғона вилояти ҳоқими Хайрулло Бозоров иштирок этиб, корхона фаолияти билан танишди.

— Тadbirkorга шу йилнинг ўзида фаолият қўламини янада кенгайтириб,

қўшимча иш ўринлари яратиши учун барча шароитларни яратиб берамиз, — деди вилоят раҳбари. — Боиси бу тadbirkor Фарғонада замонавий корхона фаолиятини ташкил этиш учун хориждан бизнес ҳамкор топиб, ўзи ҳам мазкур лойиҳага катта маблағ сарфлади.

«Ибрат» маҳалла фуқаролар йиғинидаги собиқ пиллани қайта ишлаш фабрикаси негизида ташкил қилинган корхона лойиҳаси учун 4,1 миллион доллар сарф этилди, Туркия ва Хитойнинг замонавий ускуна, дастгоҳлари ўрнатилди. Бу ерда йилгига ўртача 2 миллион 184 минг погонometr жинси матоси ҳамда 1 миллион 560 минг донна жинси шим тайёрланади.

— Узимизнинг брендимизни яратиш асосий мақсадимиз, — дейди «Constrant

trading» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Алишер Хўжаев. — Бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар рангининг табиийлиги билан ҳам ажралиб туради. Ҳозирда икки юздан ортиқ иш ўрни яратилди. Келгусида корхонада қўшимча тармоқларни ташкил этиш ва маҳсулотларнинг турини кўпайтириши режалаштирилган.

**Ўз мухбиримиз.
Ш. ҚОРАБОЕВ олган суратлар.**

Баркамол авлод орзуси

“Янги АСР”нинг янги мактаби

Наврўз байрами кунлари Фарғона туманининг «Янги аср» МФЙда янги қуриб битказилган 480 ўринли замонавий мактаб фойдаланишга топширилди.




Билим даргоҳи «ХИМК-296» бунёдкорлари томонидан барпо этилиб, 7 миллиард 643 миллион сўм маблағ сарфланди.

Замонавий лойиҳа асосида таълим муассасасида 12x24 ҳажда спорт зали, 120 ўринга мўлжалланган ошхона, 150 ўринли фаоллар зали, биология, кимё, физика лаборатория хоналари, технология фани бўйича ўқув хоналари жиҳозлар билан таъминланди.

Шунингдек, футбол майдони, ҳожатхона ва ювенил хоналари, иссиқлик тизими барпо этилди.

— Ўқувчиларимиз маънан ва жисмонан баркамол бўлиб улғайиши учун барча шароитлар муҳайё бўлган масканда, — дейди мактаб директори вазифасини бажарувчи Б. Мирзаев. — Ўқитувчи ва ўқувчиларимизнинг фан олимпиадалари, билимлар беллашувларида юқори натижаларга эришиши учун астойдил меҳнат қиламиз.

**Матн ва суратлар
муаллифи
Шерзод
ҚОРАБОЕВ.**



Учкўприкдан хабарлар

МУҲТАШАМ МАДАНИЯТ КОШОНАСИ

Наврўз байрами арафасида Учкўприк туманида замонавий маданият кошонаси фойдаланишга топширилди.

Марказда қарийб 2,5 миллиард сўмлик мукамал таъмирлаш ишлари олиб борилиб, маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш ва ёшларнинг ижод қилиши учун барча шароитлар яратилди. 30 минг аҳолига хизмат кўрсатувчи марказда 300 ўринли томоша зали, ўлкашунослик музейи, кутубхона, 15 та тўғарак, маънавият ва машғулот хоналари фаолият кўрсатади.

Ўз муҳбиримиз.

Учкўприк туманидаги Бекмурод қишлоғида фаолият олиб бораётган «Golden leaf chart» масъулияти чекланган жамият аёллар, болалар ва спорт сумкалари ишлаб чиқаради.



МАҲСУЛОТНИНГ ХАРИДОРИ КЎП

Иш бошлаганимизга 3 йил бўлди, — дейди жамият бошқаруви раиси Дониёр Сайдалиев. — Дастлаб 25-30 турдаги сумкалар тикилган бўлса, айна вақтда уларнинг тури 250 хилдан ортди. Бичув, тўқув, қадоқлаш цехларида 30 нафар ишчи меҳнат қилади. Ҳар ой 220-250 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланмоқда. Қишлоқ маркази ва Кўкун шаҳридаги жамият савдо дўконлари доимо гавжум. Улғурчи харидорлар орасида қирғизистонлик ва тоjikистонлик мижозлар ҳам бор.

Матн ва суратлар муаллифи Ш. ҚОРАБОЕВ.



Худойберди ТЎХТАБОЕВ



Ўзбек адабиёти оғир жудодлик учради. Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими Худойберди Тўхтабоев 2021 йил 22 март кuni 89 ёшида оламдан ўтди.

Худойберди Тўхтабоев 1932 йилда Фаргона вилояти Ўзбекистон туманининг Катта Тағоб қишлоғида туғилган. У 1949 йил Қўқон педагогика институтини, 1955 йил Тошкент давлат университетини (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини Фаргона вилоятидаги мактабда ўқитувчиликдан бошлаган, кейинроқ ўқув ишлари мудирли ва мактаб директори лавозимларида ишлаган. 1958 йилдан бошлаб кейинги 14 йил мобайнида «Тошкент оқшоми», «Совет Ўзбекистони», «Тошкент ҳақиқати», «Қизил Ўзбекистон» газеталарида, «Гулистон», «Гулхан», «Шарқ юлдузи», «Ёш куч» журналларида 300 дан ортиқ фельетонлари чоп этилди.

Адиб ижодининг дастлабки давриданок ҳажвга, кулгига мойил ҳикоя тўплаларини, қисса ва романларини яратди. Унинг биринчи ҳикоялар тўплами «Шошқалоқ» 1961 йилда эълон қилинган. Шундан сўнг «Сехрли қалпоқча», «Сариқ девни миниб», «Сариқ девнинг ўлими», «Беш болали йигитча», «Қасоскорнинг олтин боши», «Йиллар ва йўллар», «Сехрлар жанги ёки ширин қовунлар мамлакатида», «Мунгли кўзлар» каби асарлари унинг номини дунёга машҳур қилди.

Худойберди Тўхтабоев Ҳамза номидаги Давлат мукофоти совриндори, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» (1982), Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1991) эди.

У фарғоналикларнинг чинакам фахри, гурури эди. Умрининг сўнгги дақиқасигача Фарғонанинг ёди билан яшади, фарғоналикларнинг самимиятга тўла меҳр-муҳаббатини қозонди.

Бетақдор истеъдод соҳиби, буюк файласуф, халқимиз ардоғидаги адиб Худойберди Тўхтабоевнинг порлоқ хотираси қалбимизда мангу ашайди. Ёзувчининг оила аъзолари, қариндош-уруғлари га чўқур ҳамдардигимизни ихор этамин.

Хайрулло БОЗОРОВ, Файзулло ҚОСИМОВ, Топволди ХОЛДОРОВ.

АСАРЛАРИ УМРБОҚИЙ ЁЗУВЧИ



Ўзбек болалар адабиётининг кўзга кўринган вакили, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоевнинг вафоти барчамизни чўқур қайғуга солди. У бутун умрини ижодга, миллат маънавиятини юксалтиришга бағишлаган чин маънодаги ватанпарвар ёзувчи эди.

Худойберди Тўхтабоевнинг «Гулистон», «Шарқ юлдузи», «Гулхан», «Гунча», «Ёш куч» журналларида, «Ёш гвардия» ва «Камалак» нашриётларида ижод намуналари босилиб чиқди. Унинг «Омонбой ва Давронбой», «Сариқ девни миниб», «Йиллар ва йўллар», «Беш болали йигитча», «Қасоскорнинг олтин боши», «Сехрлар жанги ёки ширин қовунлар мамлакатида», «Жаннати одамлар» каби китоблари чоп этилган. Худойберди Тўхтабоев асарлари дунёнинг 24 тилга таржима қилинган. Мамлакатимизда энг кўп ўқилувчи асарлар рўйхатида пешқадимлик қиладиган, нашриётларда қайта-қайта чоп этиладиган, Жанни Родаридек машҳур ёзувчилар эътирофи, эътиборига тўшди. 14 йиллик фельетончилик фаолиятини таққа тўхтатиб, буткул бошқа дунё — ўзининг таъбири билан айтганда, пок олам — болалар оламига киришга журъат этишида ҳам рамзий маъно бор эди. Уни поклаш, ҳаққа яқинлашиш, камолотга интилиш эмасмиди бу?!

Ростини айтиш керак, болалик чоғларимизда биз ва биздан олдинги авлод вакиллари ҳам Худойберди Тўхтабоевдан бошқа бирорта Ўзбек ёзувчисининг фантастик асарини ўқимаганмиз. «Сехрли қалпоқча», «Сариқ девни миниб», «Сариқ девнинг ўлими», «Ширин қовунлар мамлакатида» дейсизми ёки ўзининг болалик йилларини қаламга олган «Беш болали йигитча», «Жаннати одамлар», «Мунгли кўзлар» асарларими, бари халқона тилда ёзилган, китобхона баъзан қулдириб, баъзан йиллаштириб, қўйдириб-сўйдириб, турли қўйга солиб қўя олгани учун ҳам катта-ю кичика бирдек севилиб бўлиб қолди.

Сал қуврок, дангасарок болаларни «Ҳах, Ҳошимжон-а!» дея қойиб, танбех бериш урфга кириб, хатто ўзбекларнинг иборасига айланб кетди. Узимиздан ортиб, жажон ёзувчилари, китобхоналари назари, дилига тўшган ўзбек адабиёт вакиллари пешқадами ҳам Худойберди Тўхтабоев бўлди. Адибнинг асарлари инглиз, рус, италиян, озарбайжон, турк тилларида чоп этилди. Бу айтмоққа осон. Демак, ўқилапти, манзур бўляпти, бошқалар ҳам ўз тилида ўқишга ошқоқмоқда. Дунё хануз ўзбекларнинг характери, туриш-турмуши, болаларининг турмача қилиқларини Худойберди Тўхтабоев қалами орқали танимоқда. Буюк ёзувчимиз яна неча замоналар асарларида, қаҳрамонларида, кўнглиларда ашайди. Дилга таскин берадигани шу.

«Беш ёшли болалардан менгача бир қадам. Янги туғилган бола билан менинг орамда эса бир дунё масофа бор», деганида Лев Толстой ҳақ экан. Қалбиди тўрт гўзаллик — Ақлол, Ҳақиқат, Маъсуллик ва Камолоти бўруну довуллардан пана қилиб, бир умр асраб-авайлаб юрган Худойберди Тўхтабоев билан бизнинг орамизда энди бир дунё масофа бор.

«Фаргона ҳақиқати» — «Ферганская правда» газеталари бирлашган таҳририяти. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Фаргона вилоят бўлими.

Мулоҳаза

Ҳеч эътибор берганмисиз, бугун кун-кунга, тун-тунга ўхшамайди. Вақт деб аталмиш учқур тулпор туткич бериш у ёқда турсин, бир дам нафас ростлай демайди. Кундалик турмушнинг икир-чикирларига улгуриш мушкул бўлиб қолди.

ОРТГА ҚАЙТГИН, МЕҲР-ОҚИБАТ

Биз ўзимиздан, ўз-ўзимиздан йироқлашиб бораётган-декмиз. Бу нарса, айниқса, миллий кадриятларимизнинг бугунги аҳволида аққол намоен бўлиб қолмоқда. Одамийлик, меҳр-оқибат кўтарилди, биз ҳар кунни тўлдирган инсонийлик кўчаларида ҳар хил қўсурлар кўришиб қоляпти. Азал-азалдан кўпни кўрган доғишман деб боболаримиз, меҳридарё момоларимизнинг ибрат чашмаларидан қончилик ичганимиз, ўғитлари ҳаёт йўлларимизни ёритиб келган. Уларнинг ҳар бири бир ҳикмат эди.

Махалламизда қовунчи Абдураҳман бобо бўларди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин бутун умри ползада ўтган. Тилими тилини ёрадиган қовунларни галтак аравага солиб, ҳамқишлоқларга текинга тарқатиб чиқарди. Ҳам шифокор, ҳам миришкор боғбон Тоштан буваннинг ховли-боғида пишган, мазада тенги йўқ узумлар қишлоқ болаларининг киши билан ҳушўр емиши эди. Бир-бирига меҳрли, оқибат кўрғони бутун, самимий одамлар бисёр эди.

Хосиятли уйларга қалдиригочлар ин қуради. Бир кўшни хўроз сўйса ҳамма дастурхон атрофида жамулам эди. Ланг очик дарвозалар зулфи қулф кўрмасди. Ховлилар ўртасида девор йўқ эди. Кўни-кўшни бир-бириникига кўнгли сўраб чиқиб турарди.

Оналар тандирда нон ёнғудек бўлса, биринчи галда ёш болаларга, кўни-кўшнларга олинарди. Шум-такаларни боболар тергаб тургичи, момолар эса уларни пинжига олиб, эртак-масал сўзловчи эди.

Орадан йиллар ўтди. Бобо ҳам бўлдики. Болалик қарвонлари анча олислаб кетди. Уша қишлоқ, ўша одамлар. Шақли-шамойили ҳам ўша-ўша. Бироқ замон билан бирга одамлар ҳам ўзгарди. Оқибат деган тушунчани занг босди. Янги «изм»лар таъсирида янги одатлар пайдо бўлди. Уларни кўриб ёки эшитиб, беихтиёр ёқа ушлайсиз, одам.

Дарвозаларга отнинг калласидай қулфлар осилди. Яна баъзилар «чет элнинг қиммат қулфидан», деб мактанадиган бўлди. Ховлилар ўртасида баланд деворлар урилди. Оқибат кўчаларига шайтон оралади, бошқаларни қўйинг, хаттоки туғилган оға-инилар, опа-

Алижон МИРЗАБОЕВ.

Шеърят бўстони

Бўйингдан айланай, Наврўз!

Кишки уйқусидан уйғонар замин, Кўпчиган ерларда қуёш шивирин. Болари эслайди гулларнинг таъмин, Шўхчан майсалар ҳам туртар бир-бирин.

Кетмонин чархлагша тушади меҳнат, Бободехқон кўкси олар аланга. Дала-туз, боғларда қайнайди ижод — Саховат, ризку рўз сочиб оламга.

Сумалак виқирин кўчар ариққа, Бўйингдан айланай, толқучи лола... Яна бир нек қадам қўйиб тарихга, Дилларга хуш келдинг, Наврўзи олам!

Самони тўлдирар қалдиригоч рақси — Юртимга эзгулик тиловчи жон бу. Қалбларга кўчади тинчликнинг акси, Баҳорини қучган Ўзбекистон бу!

Ҳаётжон БОЙБОБОВ.

Миннатдорлик мактублари

НАЖОТҚОРЛАР ОМОН БЎЛСИН

Дард ҳамиша ёнимизда юраркан. Буни, айниқса, коронавирус пандемияси даврида янада яхшироқ англадик.

Бу касаллик ва турмуш ўртоғимни ҳам четлаб ўтмади. Ҳаётга бўлган умид билан Фаргона шаҳридаги 2-шаҳар шифохонасига келдик. У ерда шифокор Бахтиёржон Абдурахмонов бошчилигидаги кўли энгли шифокор

даволандик. Шифокор Ҳалимжон Назаровнинг саъй-ҳаракатлари билан оёққа турдик. Биздай ёши улғурларни эззат қилиб, ҳам кўнглимизни, ҳам дардимизни олган барча тиббиёт ходимлари га раҳматлар айтман.

Хурсаной она ҲОЖАЛИЕВА, Фаргона тумани, Миндон шифоғи.

Қўллари дард кўрмасин

Биз Фаргона вилояти 2-сон юқумли касалликлар шифохонасида даволанётган беморлармиз. Ўз касбининг фидойиси, ширинсўз, малакали шифокорлар ҳамда ҳамширалар туну кун ҳолимиздан хабар олиб, парвозна бўлишди. Бош шифокор Маъруфхўжа Турсунхўжаев, даволовчи шифокорлар Шерзодбек Шам-

сиддинов, Алишер Махмудов, Валижон Қобулов, Худоберди Азамовларга ўз миннатдорчилигимизни билдира-

Ваҳобжон УМАРАЛИЕВ, Равил ДУБИНИ, Абдураҳим УСМОНОВ ва бошқалар.

БОҒЛАРДА МЕҲНАТ ШУКУҲИ

Халқимизнинг ризку рўзи, тўкин дастурхони, аввало, далаларимизда заҳматқаш деҳқонлар томонидан етиштирилган маҳсулотлар ва нозу неъматлар билан ўлчанади.

Олтиариқ тумани, «Тошобод» маҳалла фуқаролар йиғини худудидидаги «Ҳокимжон хожи» фермер хўжалигига қарашли боғларда бугун иш қизгин. Боғбонлар баҳорги агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш ҳаракатида.

— Баҳор об-ҳавосининг инжиқлигига ўрганиб қолганмиз. — дейди Рустамжон Қўчқоров. — Қишнинг қировли кунларида ҳам тиним билмай қилинган меҳнат ёзда ўз самарасини беради. Бир гектар шафтолизордан ўтган йили 3 тоннадан ортиқ ҳосил олганмиз. Бу йил ҳам мўл ҳосилни кўзлаганмиз. Халқимиз дастурхонига сархил меваларни етказиб беришдан мамнунамиз.

Ш.ҚОРАБОЕВ.



Каратэ ЧЕМПИОНАТДА ФАҲРЛИ УРИН



Тошкентда каратэ WKF спорт тури бўйича 8-13 ёшгача бўлган болалар ва қизлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати ўтказилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 800 нафардан зиёд ёш каратэчилар баҳс олиб борди.

Чемпионатда вилоятимиз вакиллари ҳам муваффақиятли иштирок этди. Марғилондаги 16-мактабнинг 3-синф ўқувчиси Марзияжон Абдурашидова 10-11 ёшли қизлар ўртасида (35 кг.) 3-ўринни, Қирғилдаги 24-мактабнинг 3-синф ўқувчиси Муҳаммаддиёр Юсуфхамедов 8-9 ёшли ўғил болалар ўртасида (35 кг.) 2-ўринни эгаллади.

А. ВАҲОБОВА, ФарДУ талабаси.

Publication details including ISSN, publisher information, and contact details for the newspaper 'Farg'ona haqiqati'.